

АЛИШЕР НАВОИЙ МАЪРИФИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

А.Абдуманнотов СамДУ доценти

Д.Мардиева СамДУ магистранти

Мақолада Алишер Навоийнинг ёзган асарлари талаба ёшларни тарбиялашда катта маънавий-маърифий мерос эканлиги, унинг асарларини ўрганиш комилликка етаклаши ҳақида фикр юритилган

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги Халқаро конференцияда сўзлаган нутқида “Энг муҳим вазифа шундан иборатки, ўзлигимизни теран англаб, мутафаккир боболаримиз, азиз авлиёларимиз қолдирган бебаҳо меросни асраб-авайлаб, янада бойитишимиз, улуғ аجدодларимиз ишининг муносиб давомчилари бўлмоғимиз даркор”,-деб таъкидлаган эди. (1,19б).

Бу бежиз эмас. Сабаби, Шаоқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий, илмий, маънавий мероси келажак авлодлар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилаётганлигига барча гувоҳ бўлиб турибди.

Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирлари ичида ҳазрат Алишер Навоийнинг ўрни беқиёс эканлигига ҳеч шубҳа йўқ. Чунки, буюк мутафаккир қолдирган маънавий мерос бугунги кунда авлодлар мулкига айланган. Юқорида таъкидланган нуфузли конференцияда иштирок этган Варшава университети кафедра мудири (Польша) Януш Кжизовский “... Алишер Навоий мероси боқий, бадий даҳоси замон ва макон чегараларини билмайди. Ишқ-муҳаббатни, меҳру-вафо, шарму-ҳаё ва назокатни ёниб қўйлаган Навоийнинг гўзла сатрларини ўқиганда буюк ва олийжаноб қалб садолари сезилиб туради. Бу юрак туғёнлари, мана орадан беш ярим аср ўтса ҳамки, миллионлаб инсонларни ҳаяжонга солиб келмоқда”,-дейди. (1, 39 б.).

Жамия Миллий Исломи университетининг Халқаро тадқиқотлар академияси доценти Шоҳид Таслим “... буюк ўзбек мутафаккири ва шоири Алишер Навоийнинг ўрта ва яқин Шарқ мамлакатлари, Жанубий Осиё халқлар адабиётига таъсири жуда кўплаб олимлар томонидан эътироф этилган. Мен ушбу анжуманда аллома ижодининг Ҳиндистонда ўрганилиши мавзусида маъруза қилишни режалаштирганман. Худо бахш, Рампур ва бошқа бир неча кутубхоналарда Навоийнинг ғазаллар девони ва “Хамса”сининг ноёб нусхалари мавжуд. Мен ўз чиқишимга тайёргарлик кўриш жараёнида ана шу манбалардан фойдаландим”,-деб таъкидлайди. (1, 41 б.).

Мисрдан келган Қоҳира университети профессори Магида Махлуф: “Буюк аждодларингиз қолдирган ноёб ва ўта муҳим мерос асосида бутун дунё мамлакатлари илм даргоҳларида, мактаб-у университетларида таълим берилмоқда”-деди (1, 42 б.).

Алишер Навоийнинг таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари И.Хусанхўжаевнинг “Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида”ги ўқув қўлланмасида имконият даражасида таҳлил қилинган. Қўлланмада таъкидланишича, ҳар бир оила фарзанд кўрмоғи ва уни тарбиялаб вояга етказиши лозимлиги айtilган. Фарзанд кўрмоқ ва уни тарбиялаб вояга етказмоқ ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Ота-она болага яхши исм қўйиши, бу исм болани келажакдаги ҳаётига ижобий таъсир кўрсатишига алоҳида эътибор берган. Болаларни кичик ёшдан бошлаб тарбиялаш лозимлиги қўлланмада ўз ифодасини топган. Болани яхши ўқитувчига бериш зарурлиги кўрсатилган. Ўқитувчи (мударрис) ўз касбининг билимдони, саводли, ширинсухан, самимий, меҳнатсевар, болаларни яхши кўрадиган инсон бўлиши таъкидланган. (3.16 б.)

Педагогика фанлари доктори С.Нишонова ўзининг илмий тадқиқот ишларини Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг таълимотида комил инсонни тарбиялаш масаларига қаратган. Олиманинг таъкидлашича Алишер Навоий маърифий қарашларида комил инсон, ақлий, ахлоқий ва жисмоний камол топган шахс. У илм маърифатга интилган ижодкор, қобилиятли, билимдон, оқил ва доно киши, софдил, инсонпарвар, саховатли, сабр-қаноатли, адолатли, мурувватли, камтар, одобли, хушфёъл шахс, соғлом ва жисмоний бақууват, мардлик ва жасурлик хислатларига эга инсон. Мутафаккир бундай фазилатларга эга бўладиган баркамол инсоннинг фақат бадиий образини яратиб қолмай, уни тарбиялаш йўллари, услуби ва усулларини ҳам баён этади ҳамда педагогик фикрлар тараққиётида “Назм ул-жавоҳир”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Махбуб ул-қулуб” дек шоҳ асарлари билан муносиб ўринга эга бўлди, - деб ёзади. (3.112 б.)

Педагогика фанлари доктори Асқар Зуннунов илмий-тадқиқот ишларида Алишер Навоийнинг асарларини педагогик жиҳатдан ўрганган. Мутафаккир асарларини узлуксиз таълим тизимида ўрганишнинг йўллариини ёритиб берган. Навоийнинг фикрича деб ёзади олим - “Одоб одамнинг олийжаноб фазилатларидан биридир. Одобли киши очиқ юзли, хушмуомала, ёқимли бўлади. Бундай кишилар учун иккиюзламачилик, қўполлик ётдир. Одобли киши доимо ҳурмат ва иззатда бўлади. Ота-онани, ака-укани, опасингилни, дўстларни ҳурмат ва иззат қилмоқ ҳар бир одобли одамнинг бурчидир”, - дейди муаллиф. (3.127 б.)

Профессор М.Муҳиддинов “Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси” мавзусидаги докторлик диссертациясида “Ҳамса”нинг биринчи дostonлари мисолида мутафаккирнинг “Ҳамса”ни яратишда ибрат олган ўтмишдошлари, издошларив замондошлари (салафлари) ижодини чуқур ўрганиб, мазкур йўналишлардаги асарларда инсоний в умуминсоний фазилатларни улуғлаш тизимини ёритади. (7.9 б)

Тадқиқотчи Г. Раҳимованинг “Алишер Навоийнинг ижодини саккиз йиллик мактабларда ўрганиш” мавзусидаги тадқиқот иши шоирнинг таржимаи ҳолини, ҳақматли сўзларини “Ёлғончи” масалани I-IV синфларда ва V-VIII синфларда Ҳотам тойи ҳикоятини, “Шер ва дурроғ” масалини V-VIII синфларда ўрганиш масалаларини талқин қилган.

Педагогика фанлари номзоди К.Абдуллаев “Ўзбек классик адабиётини ўрганиш жараёнида предметлараро алоқалардан фойдаланиш методикаси” мавзусидаги диссертациясида муаллиф Навоий ва Бобурнинг ижодий фаолиятини турли санъат асрлари воситасида, мусаввирлар ижоди билан таққослаб, уларни замонавий ёвузчиар ижоди билан боғлаб ўрганиш методикасини ёритган.

А.Ҳасанова “Юқори синфларда Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш” мавзусидаги диссертациясида Навоий ҳаёти ва ижодни юқори синфларда ўрганиш масаласини баён қилган.

Тадқиқотчи Ҳ.Ҳамраева Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғояларидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларини ўз илмий-тадқиқот ишларида ёритиб берган.

Тадқиқотчи А.Абдуманнотов “Алишер Навоий мероси асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тушунчаларини шакллантириш”(Ҳайрат ул-абролр мақолотлари ва ҳикоятлари мисолида) деб номланган номзодлик диссертациясида кичик ёшдаги ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришдаги дostonдаги мақолот ва ҳикоятларнинг ўрнини белгилаб берган ва дostonнинг педагогик таснифини ишлаб чиққан. (8.119 б.)

Шунингдек, Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 106-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Маъмура Яйлаованинг “Адабиётимизнинг ёрқин сиймоси”, Жиззах шаҳридаги 16-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Лайло Хайруллаеванинг “Улуғ алломага эҳтиром”, Наманган вилояти Учкўрғон туманидаги 40-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Мукаррам Қобилованинг “Билмагани сўраб-ўрганган олим”, Тошкент шаҳридаги 69-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Мамлакат Йўлдошеванинг “Алишер Навоий-буюк шахс” мавзуларидаги мақолаарида дарс ва тўғарак машғулотларида мутафаккирнинг маънавий меросидан кичик ёшдаги ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сафитларни шакллантиришнинг йўллари, шакл ва методларин қизиқарли мисоллар ёрдамида асослаб берган. Ушбу материаллар тегишли хулоса ва тавсиялар Алишер Навоийнинг маънавий дунёсини ўрганишга ва ундан узлуксиз таълим тизимида фойдаланишга хизмат қилмоқда.

Аниқроғи, мутафаккирнинг ота-онани, ёши катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш, устозларни эъзозлаш, инсоннинг кимлиги, унинг сўзи орқали аён бўлишини, инсоф, диёнат, адолат, таъвозе, уят, шарм, ҳаё, садоқат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, тўғрилиқ, яхшилик, илмга интилишнинг хосияти, сабр-қаноатлилиқ, сахийлик каби инсоний фазилатларни келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод онги ва шуурига хазрат Навоийнинг ғоялари орқали сингдирилмоқда.

Аммо очиғини айтганда, амалга оширилаётган ишлар бугунги кун талабларидан орқада қолмоқда. Алишер Навоийнинг маънавий-маърифий меросини ёш авлод, айнан олганда бошланғич синф ўқувчиларининг онги ва қалбига сингдириш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- Мутафаккир асарларидаги инсоний фазилатларни ўрганишга оид жиҳатлари етарли даражада педагогик жиҳатдан таҳлил қилинмоғи;
- Дарслик ва ўқув қўлланмаларда ўргатилаётган материалнинг асл ҳолдагиси берилиб, унинг тагидан бугунги кунда барчамиз тушунадиган табдили келтирилса;
- Ўқувчи-ёшларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳисобга олиниб мутафаккир асарларининг луғати яратилса;
- Навоийнинг маънавий-маърифий меросини ўрганишга оид янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида тайёрланган дарс ишланмаларига, ўқув методик ва услубий тавсияларга эҳтиёж сезилмоқда.

Ушбу вазифалар амалга оширилса буюк мутафаккир маънавий меросини ўрганишдек давлат буюртмаси бажарилган бўлади ва уни ўрганиш яна бир поғонага кўтарилади.

А.Абдуманнотов, Д.Мардиева. Алишер Навоий маърифий меросининг ўрганилишига доир. // «Алишер Навоий маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси. Навоий, 2015. 54-56 бетлар.

